

5/2024,  
sentyabr-  
oktyabr  
(№ 00073)



## **ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Бабахалов Норбўта Эшназарович**

*иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)*

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда молия ва иқтисодий масалалари  
бўйича маслаҳатчиси*

**Email:** [babakhalov65@bk.ru](mailto:babakhalov65@bk.ru)

**ORCID:** <https://orcid.org/0009-0001-2633-6763>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss5/591](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss5/591)

### **Аннотация**

Ҳозирги кунда темир йўл транспортида трансформациялаш жараёни амалга оширилмоқда. Бунда мамлакатимиз қонунларига риоя қилган ҳолда янги таркибий тузилмаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Темир йўл транспорти кўп функцияли соҳа ҳисобланиб, олиб бориладиган ишлар ҳажми ҳам шунга мос равишда кўп қирраларга эга. Ушбу мақолада “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни трансформация қилиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари доирасида амалга ошириш бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Шу билан бирга, ушбу жараённи амалга оширишнинг ташкилий механизмлари бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича мулоҳаза юритилган.

**Калит сўзлар:** Темир йўл, трансформация, қонунлар, қонунчилик механизмлари, активлар, мажбуриятлар.

### **ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В ПРОЦЕССЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

**Бабахалов Норбўта Эшназарович**

*Доктор экономических наук (DSc)*

*Советник по финансово-экономическим вопросам АО «Узбекистан темир йуллари»*

### **Аннотация**

В настоящее время на железнодорожном транспорте идет процесс трансформации. Необходимо создавать новые структурные подразделения и соблюдать законы нашей страны. Железнодорожный транспорт считается многофункциональной отраслью, и объем выполняемой работы имеет, соответственно, множество преимуществ. В данной статье представлена информация о реализации процесса преобразования АО «Узбекские железные дороги» в рамках требований законодательства Республики Узбекистан. При этом обсуждалась работа, проводимая над организационными механизмами реализации данного процесса.

**Ключевые слова:** Железная дорога, трансформация, законы, законодательные механизмы, активы, обязательство.

## LEGAL MECHANISMS FOR THE ORGANIZATION OF ENTERPRISES IN THE PROCESS OF TRANSFORMATION OF RAILWAY TRANSPORT

**Babaxalov Norbuta Eshnazarovich**

Doctor of economics (DSc)

Advisor on financial and economic issues JSC “Uzbekistan temir yollari”

### **Abstract**

Currently, the process of transformation is being carried out in railway transport. It is important to create new structural structures in compliance with the laws of our country. Railway transport is a multi-functional field, and the volume of work is correspondingly multi-faceted. This article provides information on the implementation of the transformation process of JSC "Uzbekistan Railways" within the framework of the requirements of the legislation of the Republic of Uzbekistan. At the same time, the work carried out on the organizational mechanisms of the implementation of this process was discussed.

**Key words:** Railway, transformation, laws, legislative mechanisms, assets, liabilities

### **Кириш**

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида иқтисодиёт тармоқларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш ҳисобланади. Трансформация сўзининг луғавий маъноси, латинчада Transformatio – ўзгартириш, қайта ташкил этиш маъносини билдириб:

1. Таркиб, шакл ва услубларни қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;

2. Алмаштириш усулларида бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади.

“Трансформация” атамаси иқтисодий тизимдаги туб ўзгаришларнинг сифат хусусиятларини баҳолаш зарурати туфайли вужудга келган бўлиб, у қайтариб бўлмайдиган ва келажак моделини шакллантириш йўлида янги сифат босқичларига ўтиш ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолатда революцион жараёнга хос бўлган сакрашлар рўй беради. У ҳар доим бир хил кўринишга эга бўлмайди, лекин кўпинча бу жараён туб ислохотлар ёки инқилобий ўзгаришлар рўй беришини назарда тутаяди, уни нафақат бурилиш жараёни, балки ўтиш концепциясига мос келадиган босқичма-босқич эволюцион ривожланиш жараёнларининг тўхташи сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак. Темир йўл транспортида трансформациялаш жараёнини қай тарзда амалга ошириладиганини кўрсатиб бериш ушбу тадқиқотимизнинг асосий мақсади сифатида намоён бўлади. Бу соҳада олиб борилган ишлар ва уларнинг натижалари бошқа корхоналар кесимида ҳам қўлланилиш эҳтимоли ортади. Жараённи илмий жиҳатдан таҳлил этиш, хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрларини ҳамда корхоналарда олиб борилган трансформация жараёнида юзага келган ҳолатларни ҳулосалаш орқали темир йўл транспортига жорий этиш тадқиқотимизнинг асосий вазифаси сифатида қаралади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодий адабиётларда трансформация турли талқинларда кўриб чиқилган. Таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, “трансформация - бу иқтисодий фаолиятнинг тузилма, шакл ва усуллари қайта шакллантириш, унинг мақсад йўналишларини ўзгартиришдир”[1], демак бу ерда трансформация эволюцион тизимда революцион

характердаги сифат ўзгаришларини амалга оширишни англатади. Шунингдек, бу тушунча иқтисодий тизимда сифат жиҳатидан ўзгаришлар ва ривожланиш содир бўладиган жараёнларни бирлаштириши керак. Тизимдаги сифат ўзгаришлари унинг тузилишини ўзгартириш билан бир вақтда содир бўганлиги сабабли, унинг асосини тизим тузилишининг ўзгариши ташкил этиб, у иқтисодий фаолиятнинг шакллари ва усуллари ўзгаришига олиб келади. Иқтисодий фаолиятнинг мақсадли йўналишларини ўзгартириш уни мослаштиришга олиб келиши ёки уни сақлаб қолиши мумкин. Трансформация – бу иқтисодий тизимнинг маълум параметрлари, жумладан, ўзгаришлар жараёнининг йўналиши, суръати, интенсивлиги, давомийлиги ва бошқа хусусиятларининг қандайдир ўзгариши билан тавсифланган ҳаракатдир. Бу ҳаракат шакли, тизимнинг маълум вақтдаги ва иқтисодий макондаги ҳаракатининг маълум бир сифат жиҳати ҳисобланади. “Трансформация” категориясини олимлар турли талқинларда ўрганганлар. Масалан, неоинституционализм илмий мактабининг олимлари “трансформация” категориясини иқтисодий тартиблар нуқтаи-назаридан изоҳлайдилар. Уларнинг баъзилари “трансформация” категориясини тизимнинг тузилиши, тартибдаги ўзгаришлар натижасида иқтисодий тизимнинг тубдан ўзгариши деб тушунишади, бошқалари буни “тартибни ташкил этувчи алоҳида белгиларни ҳам бошқалари билан алмаштириш” деб ҳисоблайдилар. Унда эски тартиб (унинг алоҳида соҳаси) янгиси билан алмаштирилади”. [2]

Шунинг учун “жамиятнинг глобал трансформацияси” тушунчасидан фойдаланган Э.Тоффлернинг фикрига мурожаат қилинади. [3] У жамиятнинг ўзгаришини баҳолашга глобал нуқтаи-назардан ёндашади, трансформация орқали жамият ривожланишидаги муҳим сифат ўзгаришларини тушунади, уларнинг ҳар бири жамият ривожланишининг олдинги йўналишини давоми эмас, балки унинг тубдан ўзгаришини, ҳатто олдинги ҳолатини инкор этиши мумкинлигини ҳам эътироф этади. Ҳаракатнинг бу тури иқтисодий тизимларга хосдир. Шунинг учун трансформация жараёни тизимларни сифат жиҳатдан ўзгартириш жараёнининг чуқурлиги нуқтаи-назаридан ҳам тавсифланади. Э.Тоффлернинг эътирофга кўра, “Бу бир иқтисодий тартибнинг таркибий хусусиятларини бошқа тартибнинг ўхшаш хусусиятлари билан алмаштириш жараёни ҳисобланиб, бунинг натижасида бутун иқтисодий тизим тубдан ўзгаради. Айрим давлатлар ва мамлакатларда иқтисодий тартибдаги ўзгаришлар турли сабабларга кўра рўй беради: кетма-кет эволюция жараёнлари (эндоген трансформация) ёки инсонларнинг онгли ҳаракатлари (экзоген трансформация) натижаси бўлиши мумкин”.

Иқтисодчи олим Б.Шаванс “трансформация сиёсий режим, мулкчилик шакллари, мувофиқлаштириш механизмлари каби аниқ шакллардаги туб ўзгаришларни ўз ичига олади”, деб таъкидлайди. [4]. Унинг илмий ишларида юқоридаги ҳолатларда трансформация дискрет жараён сифатида қаралади. Россиялик олим В.Н. Кириченконинг фикрига кўра, трансформация биринчидан, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ёки уларнинг алоҳида бўлимларидаги ўзгаришлар давомийлигидан келиб чиқади, бунда “горизонтал” ривожланиш (асосан тизимнинг миқдорий жиҳатлари ўзгариши) ва “вертикал” (асосан сифат хусусиятлари ўзгаришлар) ривожланиш бир-биридан фарқланади. [5] Иккинчидан, бу жараённинг объектив ва субъектив томонлари мавжуд: бу жараённинг объективлиги “сиёсат билан белгиланадиган субъектив фаолият билан рағбатлантирилади ҳамда

мустаҳкамланади”. Горизонтал тарзда содир бўладиган ўзгаришларни В.Н. Кириченко модернизация ва иқтисодий тизимни такомиллаштириш, вертикал ўзгаришларни трансформация деб атайдди. Бундан ташқари, трансформация бутун тизимда ҳам, унинг айрим қисмларидаги “элемент”ларда ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришларга имкон беради. В.Н. Кириченконинг сўзларига кўра, трансформация - бу ривожланишнинг маълум бир босқичи, тизимнинг тубдан ўзгаришини ифодаладиган сакраш жараёнидир. Сакрашдан олдин содир бўладиган барча миқдорий ўзгаришлар горизонтал ривожланиш, яъни тизимни модернизация қилишдир. Шундай қилиб, трансформация иқтисодий тизимдаги сифат (тизимнинг ҳатто бир қисмининг ўзгариши натижасида юзага келадиган) ўзгаришларнинг дискрет жараёнидир. Бу талқинда “трансформация” атамаси, биз билганимиздек, миқдорий ва сифат ўзгаришларининг турли даврларига бўлинган ҳолда унга ўтишга тайёргарликнинг бутун жараёнини ўз ичига олмайди. Трансформация тизимнинг ўзини ўзгартириш жараёни эмас, балки фақат олдинги ўзгаришларн натижаси, яъни трансформация рўй берадиган объектив ҳолатдир.

#### **Тадқиқот методологияси**

Иқтисодиёт тармоқларини трансфор-мациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қиймат занжирини ҳосил қилувчи тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали тармоқни янада модернизация ва диверсификация қилиш, саноат тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, принципал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиянинг янги турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мазкур йўналишнинг муҳим ва устувор вазифалари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Бундай ўзгаришлар иқтисодиётнинг турли секторларида бўлгани каби темир йўл транспортида ҳам кузатилмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда трансформация жараёнларини ташкил этишдан асосий мақсад сифатида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда соҳани ривожлантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш ҳамда юқори рентабелликка эга бўлган замонавий сервис кўрсатишга мослашган тизимни яратишни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2023 йилда тасдиқланган 329-сонли “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ соҳада кенг ислоҳотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу қарорда темир йўл соҳасини модернизация қилиш масалалари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар келтириб ўтилган.[6]

Темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидагилар темир йўл транспорти соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари этиб белгиланди:

темир йўлда ташиш хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш ва жозибатор инвестиция муҳитини яратиш орқали ташиш жараёнларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

темир йўл соҳасини трансформация қилиш ва рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлиги, сифатлилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

темир йўл корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, йўловчи ва юк ташишда таннарх ва харажатларни камайитириш, операцион самарадорликни таъминлаш борасида ҳисобдорлик ва рағбатлантирувчи муҳитни яратиш;

тадбиркорлик субъектлари учун темир йўл орқали юк ташиш хизматини кўрсатувчи вагон операторларини эркин танлаш ҳуқуқини таъминлаш;

темир йўл хизматларини кўрсатишда иқтисодий ва молиявий салоҳияти юқори бўлган йўналиш ва соҳаларга мустақил ривожланиш, шу жумладан маҳаллий ва халқаро молия бозорларига чиқиш ҳамда давлат кўмагисиз кредит ресурсларини жалб қилиш учун имконият яратиш;

темир йўл соҳасидаги давлат улуши мавжуд компанияларда корпоратив бошқарув тизимини тубдан яхшилаш, соҳага малакали хорижий менежерлар ва мутахассисларни жалб қилиш.

2024 йил 1 январга қадар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар негизида алоҳида йўналишлар бўйича қуйидаги бўлинмаларни ташкил этилиши белгиланди:

йўл хўжалиги, электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа, локомотив хўжалиги, ягона диспетчерлик маркази ва юк станциялари иш фаолиятини таъминлаш ҳамда мазкур инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича **«Темирйўлинфратузилма» АЖ;**

юк ташиш хизматларини амалга ошириш, юк вагон ва контейнер хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш, мультимодал «эшикдан эшиккача» ташувларни йўлга қўйиш, логистика марказлари ва терминалларини ташкил этиш бўйича **«Темирйўлкарго» АЖ;**

юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларда йўловчиларни ташиш хизматини кўрсатиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш бўйича **«Темирйўлэкспресс» АЖ;**

«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ таркибида вокзаллар фаолиятини таъминлаш бўйича **«Темир йўл вокзаллари» МЧЖ** ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш бўйича **«Шаҳар атрофида йўловчи ташиш» МЧЖ ташкил этилди.** «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ ва «Темирйўлэкспресс» АЖ йўловчилар ташиш бўйича алоҳида жамият сифатида ажратилди. Улар йўловчилар ташиш жараёнида сарфланадиган барча харажатларни ўз зиммаларига олишлари белгиланди. Бу эса ўз навбатида юк ва йўловчи ташиш харажатларини ажратиш заруриятини кун тартибига олиб чиқди;

Болалар оромгоҳлари, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ва спорт объектларини сақлаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган тушумларни ошириш ҳамда уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш бўйича **«Темир йўл ижтимоий хизматлар»** муассасаси ташкил этилиб, бу муассасаси темир йўл транспортининг ижтимоий соҳа объектларини ўз таркибига бирлаштирди. Ҳозирги кунда темир йўл

транспорти олдида турган асосий мақсадлардан бири сифатида ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ҳам фойда келтирувчи, яъни рентабелли, ўз харажатларини ишлаб топган даромадлари ҳисобидан қопловчи соҳага

айлантириш ҳамда носоҳавий ташкилотлар фаолиятини босқичма-босқич қисқартириш ёки тўлиқ тугаллаш саналади.

Юқорида ташкил этилиши белгиланган акциядорлик жамиятлари ва муассасанинг таъсисчиси (акциядори, мулкдори) этиб **холдинг** сифатида «**Ўзбекистон темир йўллари**» АЖ белгиланди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва халқаро консултантларнинг (BCG, PWC, Deutsche Bahn) тавсиясига асосланиб, темир йўл транспортини ислоҳ қилиш, соҳага замонавий техника ва технологияларни олиб кириш орқали ташиш сифатини ошириш, юкларни етказиб бериш вақтини қисқартириш Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди.

Бу қарор ишлаб чиқаришни янгилаш, соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва транспорт ташувларида темир йўлнинг ўрнини янада барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда келтириб ўтилган ҳар бир банд ривожланган мамлакатлар тажрибасидан олинган ҳамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллийлаштирилган.

Ҳусусан, бу жараёнларда халқаро тўртликка кирувчи PWC (Pricewaterhouse Coopers Central Asia and Caucasus B.V) консалтинг фирмаси билан бевосита ва кенг қамровли шериклик алоқалари ўрнатилди. Ушбу халқаро консултантлар томонидан замон талабларига мос структуралар таклиф этилди ҳамда юзага келган баҳсли ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Молия ва иқтисодиёт Вазирлиги томонидан берилган кўрсатмаларга асосан ўзгартиришлар киритиб борилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган бошқарув ва ташкилий структурани ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор ислохотлар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ PWC (PricewaterhouseCoopers Central Asia and Caucasus B.V) консултантлари билан ҳамкорликда даромад ва харажатларнинг алоҳида ҳисобини юритиш, инфратузилма, локомотив, вагон ва йўловчи хўжаликларига харажатларни ажратиш ҳамда даромадларни шакллантириш тартибини назарда тутувчи методология ишлаб чиқилди. Бу методология ҳар бир ташкил этилган корхонанинг даромади, харажати ва молиявий натижаларини алоҳида ҳисоблаш имконини беради.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Темир йўл транспортини трансформация қилиш ва корхоналарни қайта ташкил этиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талаблари асосида бажарилди. Масалан: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 370 сонли қонуни талаблари асосида амалга оширилди. Бунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркиби ушбу қонуннинг X бўлими 92-96 моддаларига мослаган ҳолда қайта ташкил этилди. Ушбу қонун моддаларида акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар тартиби келтириб ўтилган: [7]

-Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади (92 модда).

-Янги юридик шахснинг унга ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан вужудга келиши акциядорлик жамиятларининг ёхуд акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятнинг қўшиб юборилиши деб эътироф этилади. Акциядорлик жамиятини юридик шахслар билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қўшиб юборишга йўл қўйилмайди (93 модда).

-Бир ёки бир нечта юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади (94 модда).

-Жамият фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этилаётган юридик шахсларга ўтказган ҳолда тугатиш жамиятни бўлиш деб эътироф этилади (95 модда).

-Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тугатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир нечта юридик шахсни ташкил этиш жамиятни ажратиш чиқариш деб эътироф этилади (96 модда).

Акциядорлик жамияти негизида бир нечта акциядорлик жамиятлари ташкил этилди ҳамда ўз йўналишлари бўйича ҳар бир жамият ва муассаларга мустақил фаолият юритиш ваколати берилди. Ҳар бир янги ташкил этилган жамият ва муассаса “ Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўз фаолиятдан келиб чиққан ҳолда активлар, мажбуриятлар ва ишчи-ходимларни қабул қилиб олди.

Трансформация жараёнида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибида бўлган 6 та минтақавий темир йўл узеллари унитар корхоналари филиал мақомида “Темирйўлинфратузилма” АЖ таркибига ўтказилди. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Афросиёб тезюрар поездларини “Темирйўлэкспресс” АЖ таркибига ўтказиб беришда шу каби ҳолат кузатилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 299 моддасига кўра текинга олинган мол-мулк ҳам корхона учун даромад ҳисобланиб, солиққа тортилувчи база сифатида қаралиши кўзда тутилган. Бу жараёнда Солиқ кодексининг 75, 238, 243, 269, 276,304, 333, 334 моддалари асосида трансформация ишлари олиб борилди. Солиқ кодексининг 238 моддаси бўйича жамият қайта ташкил этилганда унинг мол-мулки ҳуқуқий ворисга ўтказилганда, ушбу мол-мулк солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди. 304 моддада эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ текинга олинган мол-мулк ва хизматлар даромад сифатида қаралмаслиги айтилади. [8].

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, темир йўл транспортида трансформация жараёнларини амалга ошириш соҳадаги мавжуд вазифалар ечимини жадаллаштириш, рақобат муҳитини янада шакллантириш ҳамда интеграция жараёнларини ташкил этишда муҳим рол ўйнади. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу жараёнда юзага келган муаммолар ўз ечимини топишида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти ва ваколатли давлат органлари бевосита иштирок этишмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, соҳада трансформация жараёнлари жадал суратларда амалга оширилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бир қанча давр давомида ишлаб турган ташкилий механизмни революцион тарзда ўзгартириб юбориш имкони мавжуд эмас. Тадқиқот иши бўйича қўйидаги хулоса ва таклифларни беришимиз мумкин:

-Трансформациялашда кенг қамровли назарий билимлар босқичма-босқич равишда амалиётга жорий этилади.

-Жараён иқтисодий, молиявий, техник-технологик янгиликлар билан бир қаторда корхона ва ташкилотларда замонавий бошқарув механизмларини йўлга қўйишни талаб этади.

-Хозирда ҳар бир корхона молиявий ҳисоботларни юритишнинг халқаро стандартларига ўтмоқда. Темир йўл транспортини трансформация қилиш жараёнини айнан халқаро стандартларга асосланган ҳолда амалга ошириш бир вақтнинг ўзида 2 та вазифанинг бир вақтда ҳал этилиши сифатида қаралиши мумкин.

-Йўловчи ташиш зарарларини ҳукумат томонидан субсидиялаш механизмнинг ишлаб чиқилиши ташиш харажатларини камайтириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

### **Адабиётлар/Литература/References**

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М., 1997.

2. Платонова Е. Экономические системы и их трансформация // Мировая экономика и международные отношения. 1998. № 7.

3. Тоффлер Э. Третья волна / пер. с англ. М., 2002.

4. Шаванс Б. Эволюционный путь от социализма // Вопросы экономики. 1999. № 6.

5. Кириченко В. Рыночная трансформация экономики: теория и опыт // Российский экономический журнал. 2000. № 11-12.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2023 йилда тасдиқланган 329-сонли “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6.05.2014 йилда тасдиқланган 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни

8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси